2011 ЙИЛ 29 ИЮЛЬ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 148 (11.959) Баҳоси эркин нархда

ХХІ аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Айни кунларда Тошкентда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан амалга оширилаётган «Республика ҳудудий босма оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ёш журналистларнинг марказий нашрларда малака ошириши» лойиҳасининг навбатдаги босқичи бўлиб ўтмоқда. Унда Бухоро ва Навоий вилоятлари босма оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётган ёш журналистлар иштирок этаётир.

● Жарқўрғон туманидаги «Обод Истиқлол» масъулияти чекланган жамияти маросимлар ўтказишга мўлжалланган муҳташам мажмуани бунёд этиб, фойдаланишга топширди. Ушбу хайрли ишни амалга ошириш учун 150 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Муҳими, ўн киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

● Наманган вилоятидаги «Косонсой тўқимачи» масъулияти чекланган жамиятида иккита янги турдаги маҳсулот — жунли одеял ва пойабзал учун махсус мато тайёрлаш ўзлаштирилди. Ушбу лойиҳалар рўёби учун 282,3 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Натижада бу ерда қўшимча 50 та иш ўрни яратилиши баробарида, йил бошидан буён 507,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

● Бухоро шаҳридаги «Алишер-Нилуфар» хусусий фирмаси фаолияти кенгайди. Корхонада нон ва қандолат маҳсулотлари тайёрлаш цехи ишга туширилди.

● Пешкулик тадбиркор Нажмиддин Каримов туман марказида икки қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуасини барпо этди. 100 миллион сўмдан ортиқ маблағ эвазига қурилган мажмуада савдо дўкони, компьютер маркази, заргарлик устахонаси каби ўнга яқин шохобчалар ишлаб турибди. Тадбиркорнинг ушбу хайрли ҳаракати туфайли 11 киши иш билан таъминланди.

● Тадбиркор Қурбон Шукуров саъй-ҳаракати билан Узун туманида нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган янги корхона фаолият бошлади. Бу ерда эндиликда хориж технологияси асосида 10 турга яқин ширинликлар ҳам тайёрланмоқда. Энг муҳими, янги корхонанинг фойдаланишга топширилиши билан 10 нафар киши иш билан таъминланди.

ЖАҲОНДА

● Македонияда янги ҳукумат таркиби фаолият кўрсата бошлади.

● Москва ва Сухуми ўртасида мунтазам қатновчи авиайўналиш очилди.

● Махачқалъа шаҳрида кеча Доғистон Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази раҳбари ҳамда унинг ҳайдовчиси номаълум кишилар томонидан ўлдирилди.


● Аргентинада бошпанасиз кишилар ҳамда полиция ходимлари ўртасида юз берган тўқнашувлар чоғида уч киши ҳалок бўлди. 30 дан ортиқ одам турли даражадаги тан жароҳатлари олди.

● Кеча Конгода иккита қайиқнинг ўзаро тўқнашиб кетиши натижасида юзга яқин киши сувга ғарқ бўлди.

● Жанубий Кореяда кучли сув тошқинлари давом этмоқда. Тошқинлар кўпгина ҳудудларни вайрон қилишидан ташқари, 70 кишининг умрига зомин бўлди, 12 киши эса бедарак йўқолди.

● Хитойнинг «Цзяолун» батискафи (чуқур сув остига шўнғийдиган кема) Тинч океанининг Шарқий қисмидаги халқаро акваторийда 5 минг километр чуқурликка тушиб, дастлабки синовни муваффақиятли ўтказди.

● Австралиялик талабалар ўзига хос антиқа транспорт воситасини яратишди. Унинг ғайриоддийлиги шундаки, фақатгина иккита катта ғилдиракдан иборат ҳаракат воситасининг ўртасига ҳайдовчи ўриндиғи жойлаштирилган. Электр дицикл номини олган мазкур транспорт воситасини яратиш учун Австралиядаги Аделаида университетининг бўлажак муҳандислари икки йил давомида иш олиб боришди.



БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ





МУСТАҚИЛЛИК — ЮКСАКЛАРГА ЧОРЛАЁТГАН БУЮК ПАРВОЗ

Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Истиқлолнинг йигирма йиллиги шаҳримиздаги маданият ва истироҳат масканларида дилрабо наволар, дилбар рақслар, мумтоз куй ва қўшиқларга йўғрилган ҳолда нишонланмоқда.



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» шиори остидаги байрам тантаналари ҳам Мирзо Улуғбек, Яккасарой ва Учтепа туман ҳокимликлари, хотин-қизлар қўмиталари, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлимлари ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Тадбир давомида йиғилганлар туманларнинг ижтимоий-иқтисодий, маърифий-маданий соҳаларда эришилган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилувчи фотостендлар, диаграмма ва турли тасвирлар намойиши, маҳаллалар, тадбиркорлар, ҳунармандларнинг бадиий-амалий санъат кўргазмалари билан танишишди.

Етук санъаткорлар ижросидаги мумтоз куй ва қўшиқлар, аскиялар, фольклор жамоаларининг чиқишлари, халқимиз севган машҳур фильмлардан лавҳалар ҳамда шу фильмлардаги қўшиқлардан намуналар барча иштирокчиларнинг кўнгилли ва мароқли дам олишларига замин яратди.

Байрам тадбирига ташриф буюрган меҳмонларнинг мустақиллик берган имкониятлар доирасидаги буюк ўзгаришларнинг фуқаролар ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик.

Владимир Гоменюк, Мирзо Улуғбек тумани, «Баркамол авлод» маркази меъмори:

– Миллатим рус бўлишига қарамай, ўзбекларнинг миллий анъаналари онгу шууримга сингиб кетган. Жуда кўп давлатларда бўлганман, аммо ўзбекистондай жаннатмакон ўлкани, бағрикенг, саховатли кишиларни ҳеч қаерда кўрмаганман. Айниқса мустақилликдан сўнг Ватанимиз янада гуллади, тараққий этди ва дунё мамлакатлари нигоҳида кун сайин юксалиб бормоқда. Озодлик, ҳурлик, тинчлик наволари, болажонларнинг шўх-шодон кулгулари жаранги, осмонимиз мусаффолигидан, халқимиз фаровонлиги ва осойишталигидан далолатдир.

Мустақиллик бизга ана шундай шукроналик, фахрланиш туйғуларини, озод ва эркин яшаш, ижод қилиш бахтини бахш этди.

– Ҳа бундай нурафшон, бахтиёр кунда фақат эзгулик ва яхшиликлар ҳақида сўз боради, — дейди Яккасарой тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлашни ташкил этиш маркази мудири ўринбосари Нилуфар Умурзоқова. – Йигирма икки икки йилдан бери халқ таълими соҳасида хизмат қиламан. Мустақиллик имкониятлари, ютуқлари ва яратиб бераётган улкан шароитлар ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди. Айниқса, ёш авлод келажаги, порлоқ истиқболи йўлида олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовордир. Дунё мамлакатлари нигоҳида юлдуздек чақнаб ўз иқтидорини намоён этиб келаётган келажак авлод вакиллари ҳаётида Истиқлол алоҳида саҳифа кашф этди. Буни мен нафақат иш жараёни ва кузатишларим натижасида, балки ўз фарзандларим камолотида ҳам аниқ кўрмоқдаман. Катта қизим ўз билими билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабалари сафидан ўрин олган бўлса, иккинчи фарзандим иқтидори самараси ўлароқ, фан олимпиадаси ғолиби сифатида академик лицейга имтиёз билан ўқишга қабул қилинди. Бу ҳам мустақиллик берган имкониятнинг бир кўринишидир, холос.

Байрам иштирокчиларининг фикрлари билан танишар эканмиз, улар қалбида буюк давлатимиз олиб бораётган ишларда эзгу ниятларга йўғрилган миннатдорчилик ҳиссини янада теранроқ англадик. Бу борада мустақиллик порлаётган ёғду, мунаввварлик бахш этаётган қуёш, саодатли ва бахтли манзилларга етаклаётган нурли карвон, юксакларга чорлаётган буюк парвоз эканлигини яна бир бор ҳис этамиз.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган байрам тадбиридан лавҳалар

Козим Ўлмасов олган суратлар

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашишда, сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий, илмий-техникавий ва бошқа соҳаларда очиқ ва конструктив халқаро ҳамкорликни амалга оширишда икки ва кўп томонлама дипломатия механизмларидан самарали фойдаланмоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз кўплаб давлатлар билан ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатди ҳамда уни изчил ривожлантирмоқда. Хитой Халқ Республикаси мамлакатимиз самарали ҳамкорлик қилаётган ана шундай давлатлардан биридир. Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбири Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Чжан СЯО билан суҳбатлашди.

ЧЖАН СЯО:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА УЛКАН ЮТУҚЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

– Жорий йилнинг апрель ойидан эътиборан мафтункор ва бетакрор юртингизда Хитой Халқ Республикасининг элчиси сифатида ўз фаолиятимни бошладим ва бундай шараф менга катта қувонч бағишлайди, – дейди Чжан Сяо. – Чуқур тарихий илдизларга, бой ва серқирра маданиятга эга Ўзбекистонда, меҳнатсевар, оқил, доно, софдил ва меҳридарё ўзбек халқи билан ҳамнафас бўлиб яшаш, ўз юртимнинг элчиси сифатида дўстлик ва ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш йўлида хизмат қилиш менга улкан мамнуният бахш этади. Бу даврда юртингизнинг жадал тараққиётига, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларида янги марраларга эришилишига бевосита гувоҳ бўлишим шубҳасиздир. Дипломатик миссиям давомида ана шу эзгу мақсад йўлида бор билим ва тажрибамни ишга соламан.

Бу йил Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлайди. Тарихан қисқа бу даврда Ўзбекистон халқи оқил ва доно йўлбошчи, Президент Ислом Каримов раҳбарлигида улкан ютуқларни қўлга киритди. Давлатингиз мустақиллиги, суверенитети ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш ҳамда янада мустаҳкамлаш, давлат қурилиши ва миллий ўзликни англаш, режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ва изчил ўтиш, мустақилликнинг иқтисодий асосларини яратиш борасида эришилган улкан ютуқлар Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели» нақадар тўғри ва пухта, мамлакатингиз учун қанчалик хос ва мос эканининг яққол далилидир. Асосий мақсади ва мазмуни халқнинг турмуш даражасини яхшилаш, одамларнинг фаровон ва бахтли ҳаётини таъминлашга йўналтирилгани тараққиётнинг «ўзбек модели» самарадорлигининг бош омили бўлаётир.

Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, инвестицион муҳитни яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда. Мустақил ва мақбул иқтисодий тизим ҳамда ўз вақтида кўрилган чоралар натижасида Ўзбекистон ўз иқтисодиётини жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатлари таъсиридан муваффақиятли ҳимоя қила олди. Глобал инқироз шароитида ҳам иқтисодиётнинг барқарор тараққиёти таъминланиб, ялпи ички маҳсулот ўсиши 8 фоиздан ортмоқда, халқнинг ҳаёт даражаси мунтазам юксалиб бормоқда. Бундай натижалар нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан юқори баҳоланди. Ўзбекистон жаҳондаги жадал ривожланаётган мамлакатлардан биридир. Мамлакатингиз эришаётган муваффақиятлар, ўзбек халқининг юксак салоҳияти ҳақли равишда халқаро микёсда, жумладан, Хитой Халқ Республикасида ҳам эътироф ва ҳурматга сазовор бўлмоқда.

Ўзбекистон эришаётган юксак марралар Президент Ислом Каримовнинг оқилона сиёсати ва кўпмиллатли халқингизнинг ҳамжиҳатликдаги меҳнати натижасидир. Бундан ҳар бир ўзбекистонлик ҳар қанча фахрланса арзийди.

– Ўзбек ва Хитой халқлари дўстлиги ва ҳамкорлиги узоқ тарихий илдизларга эга. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, икки томонлама муносабатларни бугунги замон талаблари асосида ривожлантиришнинг янги имкониятлари пайдо бўлди. Шу маънода Ўзбекистон – Хитой ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида нима дея оласиз?

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» мавзусида Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирлиги ва Олмазор туман ҳокимлиги томонидан фахрийлар учун байрам тадбири ташкил қилинди.

✓ **ЭРТАГА** Юнусобод туманидаги 51-оилавий поликлиникада Истиқлолимизнинг 20 йиллигига бағишлаб «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» шиори остида кўриктанлов ўтказилади.

✓ **ЭРТАГА** «Белдирсой», «Нурафшон», «Ғунча» болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиб қайтаётган 290 нафар қорақалпоғистонлик ёшлар Тошкент марказий темир йўл вокзалидан ўз уйларига жўнатилади.

№ 148 (29.07.11)

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!







КЕЛАЖАККА КОМИЛ ИШОНЧ БИЛАН

(1998 йил)

1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилиниши миллий тийнатимиз, яъни менталитетимизга айнан мос эди. Зеро, оилага муносабат бизда бутунлай бўлакча – биз оилапарвар халқмиз.

Оила – миллат бешиги. У жамиятнинг энг кичик бўғини. Ҳаётнинг даражаси ҳам, инсоннинг бахти ҳам оилада муайянлашади, шахс, аввало, шу муҳитда камол топади. *«Ўз уйинг ўлан тўшагинг», «Уйда роҳати йўқнинг ишда унуми йўқ», «Уйига сиғмаган элига сиғмас»,* – деган ва бошқа кўплаб мақолларни халқ бекорга тўқимаган.

27 январда оила манфаатларини таъминлаш борасидаги тадбирлар давлат дастури эълон қилинди ва у йил давомида амалга оширилди. Шу баҳона оила билан боғлиқ меросимизни янада теранроқ ўргандик, тарғиб-ташвиқ этдик, қанчадан-қанча мақолаю рисолаю китоблар, тақвиму плакатлар чоп этилди, эшиттиришу кўрсатувлар қилинди, одамлар билан бевосита мулоқотлар уюштирилиб, шу ҳақда қизғин суҳбатлар қурилди, оилани мустаҳкамлашга қаратилган талай чора-тадбирлар ўтказилди, кам таъминланган оилаларга моддий-маънавий ёрдамлар кўрсатилди.

Бу кучли ижтимоий сиёсатнинг бир бўлаги эди. Дастур ижроси асносида Республика «Оила» илмий-амалий маркази ҳам ташкил этилди (02.02).

Йил бошида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида» қарор қабул қилди (13.01).

Фарғона водийси ҳудуди ўзига хосдир. Сирдарё дарёси Тошкент вилоятининг Бекобод туманига кириб келадиган биргина «дарвоза»ни ҳисобга олмасак, у бошқа ҳамма тарафи тоғ билан ўралган ҳудуд. Ана шу геосиёсий жиҳатини инобатга олиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» мемуарида бу водийга қиш маҳаллари душман ҳужум қила олмаслигини ёзиб кетган.

Фарғона водийси – маъмурий-ҳудудий эмас, балки соф жўғрофий тушунча. Ана шу тўрт тарафи тоғ билан ўралган жаннатмонанд маконда 3 давлатнинг ери бор. Бу ерда жами 7 вилоят – Ўзбекистоннинг Андижон, Наманган, Фарғона, Қирғизистоннинг Боткент, Жалолобод, Ўш ва Тожикистоннинг Сўғд вилоятлари жойлашган.

«Довон» тоғнинг ошиб ўтиш қулай бўлган жойини англатади. Ўзбекистонимизда 3 катта довон бор – Қамчиқ Тошкент воҳасини Фарғона водийсига, Тахтакорача – Самарқандни Қашқадарёга, Тошохур эса – Жиззахни Самарқандга улайди.

Бекорга довон ҳақида гап очилгани йўқ. 19 февралда Ўзбекистон, Қирғизистон, Хитой ҳукуматлари ўртасида Тошкент – Андижон – Ўш – Қашқар автомобиль йўлида халқаро автомобиль транспорти қатнови тўғрисида битим имзоланди. Қамчиқ довони йўл қурилиши бошлаб юборилди. Бу довон Тошкент вилояти билан Фарғона водийсини ажратиб турган баланд тоғлар устидан ўтади.

Қамчиқ довонининг аҳамияти шундан иборатки, у Фарғона водийсини мамлакатимиз пойтахти ва бошқа ҳудудлари билан боғлайди. Акс ҳолда, бу водийда яшаётган 7 миллионли аҳолининг қатнови қийин кечган бўлар эди. Чунки илгариги темир йўл ҳам, автомобиль магистрал йўли ҳам бевосита Тожикистон Республикаси ҳудудидан ўтади. Тошкент вилоятидан қўшни Наманган вилоятига бориш учун ҳам транзит орқали бошқа давлатни кесиб ўтиш керак. Биласизки, қўшни Тожикистонда яқин-яқингача тинчлик-хотиржамлик бўлмади. Хорижий давлат ҳудудидан ўтишнинг, тинчлик-хотиржамликдан ташқари, бошқа яна талай муаммолари ҳам бор.

Февраль ойида «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида» қарор чиқди, Низомий номидаги Тошкент педагогика институтига университет мақоми берилди, «Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамиятида 22 ва 32 от кучига эга бўлган икки турдаги мини тракторлар ва уларга ускуналар комплексларини ишлаб чиқарадиган Хитой билан қўшма корхона ташкил этилди.

Март ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ «Ўзбектеатр» ижодий бирлашмаси ва унинг қошида театр ижодкорлари уюшмаси ташкил этилди, Қўқон электр машинасозлик заводида Асакадаги «ЎзДЭУавто» корхонасида тайёрланадиган автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўзбекистон «Олимпия шон-шуҳрати» музейига Халқаро Олимпия қўмитасининг «Олимпия шон-шуҳрати» музейи филиали мақоми берилди.

Апрель ойида Урганчда Хоразмий ва Беруний номларидаги боғларга асос солишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди (03.04), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги (23.04) Фармони қабул қилинди, Ўзбекистон Республикасидаги умумтаълим мактаби ва бошқа ўқув муассасаларининг «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти тузилди (21.04).

Элни ер боқади. Хусусан, асосий машғулоти деҳқончилик бўлган халқ учун ер – жуда жиддий масала. Буни ҳис этиш учун узоққа бориш керак эмас – икки жилдли «Ўзбек халқ мақоллари» тўпламида нақ 94 та (!) мақолнинг айнан *«ер»* сўзи билан бошланишининг ўзи ҳам кўп нарсадан далолат беради. Мана, улардан айримлари: *«Ер бойиса, эл бойир», «Ер бойликнинг онаси бўлса, отаси – меҳнат», Ер деганинг – олтин қозиқ», «Ер ола – юрт ола», «Ер олган – эр, ер сотган – қора ер», «Ер-сув – битмас кон», «Ер тўйгани – эл тўйгани», «Ер – хазина, сув – гавҳар», «Ер – эл билан обод, эл – ер билан обод», «Ер юзини эр очар, эр юзини – ер»* ва ҳоказо.

Шўро сиёсати деҳқонни ердан, аниқроғи, унга эгалик қилиш ҳуқуқидан буткул жудо қилди. Мустақиллик ерга муносабатни тубдан ўзгартирди. Бу жараён ҳозиргача изчил давом этяпти.

ИСТИҚЛОЛ, ИСЛОҲОТ, ИСТИҚБОЛ

30 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 11-сессиясида «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонунлар қабул қилинди. Шу ойда Ўзбекистон Республикаси деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, 24 июлда эса Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси ташкил этилди. 28 – 29 августда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 12-сессиясида «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Мустақиллик йилларини эсга олсак, маълум бўладики, ҳар йили бир-икки буюк аждодимиз таваллуди тўйи халқаро миқёсда нишонланяпти. Биз шунчалик катта маънавий мерос яратган халқмизки, энди абад ул-абад бошимиз таваллуд тўйидан чиқмайди. Таъкидлаш жоизки, ЮНЕСКО, яъни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бинан шуғулланувчи ташкилоти қўллаб-қувватлаши учун таваллуди халқаро миқёсда нишонланадиган ўша зот, чиндан ҳам, жаҳон тамаддуни равнақига муносиб ҳисса қўшган бўлиши лозим.

Март ойида Тошкент ва Фарғона шаҳарларида Аҳмад Фарғонийнинг 1200 йиллигига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди. 24 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллик юбилейини нишонлаш тўғрисида» қарор қабул қилди. 23 октябрда Самарқандда Имом Бухорий таваллудининг 1225, 24 октябрда эса Фарғона вилоятида Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги тантанали равишда нишонланди. Самарқанднинг Хартанг қишлоғида Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи, Фарғона шаҳрида Аҳмад Фарғоний истироҳат боғи очилди, Қува шаҳрида бу буюк зотга ҳайкал ўрнатилди. Бу тадбирларда дунёнинг 40 мамлакатидан меҳмонлар иштирок этди. 6 ноябрда Тошкентда ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якунловчи мажлиси бўлиб ўтди. ЮНЕСКОнинг ўша пайтдаги Бош директори Федерико Майор бошчилигидаги гуруҳ Тошкент давлат (ҳозирги Ўзбекистон миллий) университети Мирзо Улуғбек номидаги кафедраси очилиши маросимида қатнашди.

Май ойида музейларни қўллаб-қувватлаш республика «Ўзбекмузей» жамғармаси рўйхатдан ўтказилди (04.05), «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» фахрий унвони таъсис этилди (12.05), ўзбек альпинистларидан биринчи бўлиб Жомолунгма (Эверест) чўққиси забт этилиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ўрнатилди (22.05), Навоий вилоятида Қизилқум фосфорит комбинатининг биринчи навбати ишга тушди.

Июль ойида Тошкентда Халқаро хусусий суғурта компанияси очилди, Тошкент рус ёш томошабинлар театри Ўзбекистон ёшлар театрига айлантирилди, Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ туманида велосипед ишлаб чиқарадиган «Санлайт» Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлди.

Август ойида «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони (25.08), «Эл-юрт ҳурмати» ордени (28.08) таъсис этилди.

Сентябрь ойида Халқаро кураш ассоциацияси тузилди (06.09), Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институтига асос солинганлигининг 125 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди (16.09), «Туркистон-Пресс» нодавлат ахборот агентлиги ташкил этилди (25.09), Тошкентда Осиё Тараққиёт банкининг доимий ваколатхонаси очилди (28.09), Ҳазораспдаги «Хоразм қанд заводи» Ўзбекистон – Туркия қўшма корхонасида дастлабки қанд маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Ноябрь ойида Термиз шаҳрида биринчи «Алпомиш ўйинлари» фестивали ўтказилди (13 – 14.11), Тошкентда «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ноҳукумат ташкилотларининг роли» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди (17.11), Ўзбекистоннинг «Фармед» хусусий фирмасига халқаро мукофот – «Сифат олтин юлдузи» топширилди, Тошкентда синхрон сузиш бўйича «Сув париси» 1-халқаро турнири ташкил этилди.

Декабрь ойида «Ўзбекнефтгаз» нефть ва газ саноати миллий корпорацияси «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясига айлантирилди (11.12), Бангкокда ўтказилган 13-Осиё ўйинларида иштирок этган ўзбекистонлик спортчилар спортнинг 23 тури бўйича 42 мамлакат спортчилари билан беллашиб, 10 та энг кучли жамоа сафига кирди ва 40 та медаль – 6 та олтин, 22 та кумуш ва 12 та бронза медалини қўлга киритди (22.12), 1-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 13-сессиясида (24 – 25.12) Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида» Қонуни қабул қилинди.

1998 йилнинг бевосита муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов фаолияти билан боғлиқ икки ўта муҳим воқеасини алоҳида қайд этиб ўтиш керак.

Биринчиси шуки, «Тафаккур» журналининг 2-сонида Президент Ислом Каримовнинг «Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин» мавзуида мазкур нашр бош муҳаррирининг саволларига жавоблари эълон қилинди.

Шўро даврида жамият тамоман мафкуралаштирилган, якка мафкура ҳукмронлиги ўрнатилган эди. Одамлар «мафкура» деган сўздан безиб қолган эди. Шунинг учун мустақилликнинг дастлабки йилларида айрим зиёлилар онгида гўё энди инсон мафкурага эҳтиёж сезмайдигандай, жамият шусиз ҳам ўз-ўзича тараққий этиб кетаверадигандай тасаввур ҳам пайдо бўлиб улгурган эди. Президентнинг бу чиқишлари шу нотўғри тасаввурларга барҳам берди: ҳеч бир халқ, жамият мафкурасиз олға интила олмайди. Аммо, унутмаслик керакки, демократик тузумда бунёдкор ғоялар тарғибига йўналтирилган турли мафкураларнинг амал қилишига ҳуқуқий асос яратилади, миллий мафкура эса халқники – жамиятники бўлади, Конституциянинг 12-моддасига биноан, ҳеч бир мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.

Президентимизнинг ўша йилги иккинчи чиқиши тарихга холис муносабат йўналишларини белгилаб берди. Давлатимиз раҳбарининг тарихчи олимлар билан суҳбати асосида юзага келган мақоласи «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» сарлавҳаси остида «Мулоқот» журналининг ўша йилги 5-сонида босилди.

Ўша пайтларда бир зиёлимиз ҳунлар давлати ва унинг етакчиси Атилла ҳақида сўзлаб қолди. Тўғри, дунё олимларининг эътирофига кўра, ҳунлар туркий халқлар бўлган. Бироқ жаҳонда, хусусан, Европада ҳунлар ҳақида жуда салбий тасаввурлар шаклланиб улгурган. Чунки ҳунлар бир пайтлар Атилла бошчилигида Римни вайрон этган, деган маълумотлар бор.

Президент Ислом Каримов шу суҳбатида бир тарихий ҳақиқатни илман исботлаб берди: шундай серҳосил ери ва зилолдек сувлари бор, чўпни суқсанг, кўкариб, ноз-неъмат яратадиган, яъни инсон яшаши учун ҳар тарафлама қулай жойни ташлаб, тарихда ҳеч ким босқинчилик қилиб, Европа ёки бошқа юртларга кўчиб кетган эмас! Ҳунлар туркий халқ бўлиши мумкин, лекин Атилла бошчилигидаги қўшин бизнинг юртимиздан кетмаган... Ўзбек – азалдан вайронкор эмас, аксинча, бунёдкор халқ бўлган-ку!

Бундай нозик муносабатлар мағзини чақиш керак. Бу нуқтаи назарлар замирида буюк бир халқ манфаати ётганлигини англаш эса унчалар қийин эмас.

1998 йил таҳлилига бағишланган ушбу мақоламиз бошроғида довон ҳақида сўз борди. Тилимиздаги *«довон ошмоқ»* ибораси айнан тоғдан ошиб ўтишни, кўчма маънода эса бирон-бир маррани эгаллашни билдиради. Ўз маъносида ҳам, кўчма маъносида ҳам довондан ошиб ўтишнинг ўзи бўлмайди.

Агар мустақиллигимизнинг йигирма йилини кўз олдимизга келтирсак, 1998 йил шунинг тенг ўртасидаги бир довонга ўхшайди.

Ўзбекистон бу довондан келажакка комил ишонч ва собитқадамлик билан ошиб ўтди.

Султонмурод ОЛИМ

(Давоми бор)

ЧЖАН СЯО:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА УЛКАН ЮТУҚЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Дарҳақиқат, Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги анъанавий дўстлик узоқ тарихга эга. Буюк Ипак йўли халқларимизнинг дўстлик алоқаларига ёрқин мисолдир. Сўнгги йигирма йил давомида икки давлат раҳбарларининг доимий ғамхўрлиги ва эътибори, икки томон жамоатчилигининг муштарак саъй-ҳаракатлари туфайли Хитой – Ўзбекистон муносабатлари изчил ва барқарор ривожланмоқда. 2004 йили давлатларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик бўйича шериклик муносабатлари ўрнатилгач, алоқаларимиз янги сифат босқичига кўтарилди ва ҳамкорлик кўлами янада кенгайди.

Хитой Ўзбекистонни ўзининг Марказий Осиё минтақасидаги муҳим ва ишончли шериги, деб билади, ўзаро муносабатларимизни янада ривожлантириш ва уни янги мазмун билан бойитишга эса устувор вазифа сифатида қарайди. Ҳозирги даврда мамлакатларимиз олдида глобал ва минтақавий микёсдаги турли таҳдид ва хавф-хатарлар пайдо бўлмоқда. Томонларнинг стратегик мақсадлари ва вазифалари ўхшашдир. Хитой Ўзбекистон билан минтақа фаровонлиги, барқарорлиги ва тараққиёти йўлидаги яқин ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга тайёрдир.

Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик улкан салоҳиятга эга бўлиб, изчил тараққий этиб бораётир. Икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми 2010 йилда ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатилган дастлабки йиллардаги кўрсаткичга нисбатан 50 баравар ошди, жорий йилнинг биринчи чорагида эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13,7 фоиз кўпайди. Ҳозирги пайтда мамлакатларимиз олдида савдо-иқтисодий соҳадаги алоқаларни янада ривожлантириш учун мисли кўрилмаган имкониятлар мавжуд. Ишончим комилки, ўзаро тенглик, манфаатдорлик ва ҳурмат тамойилларига қатъий амал қилиб бораверсак, давлатларимиз раҳбарлари учрашувларида икки томон учун ҳам манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш борасида эришилган келишувлар қисқа фурсатда амалга оширилиши шубҳасиздир.

Сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик билан бир қаторда маданий-гуманитар соҳадаги алоқалар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Марказий Осиёда биринчи бўлиб Тошкентда ташкил этилган Конфуций институти таълим соҳасидаги ҳамкорлигимизнинг изчил тараққиётига яхши мисол бўла олади. Ўзбекистонда хитой тили ва адабиётини ўрганиш, мамлакатимиз ҳаётига қизиқиш катта эканига гувоҳ бўлдим. Жорий йилда Хитой ҳукумати ўзбекистонлик талабаларга юртимизда таълим олиши учун 120 грант ажратди, бу олдинги йиллардагидан икки баравар зиёд. Айни пайтда хитой тилини ўрганаётган ўқувчилар сони бундан ҳам кўпдир. Ўзбекистонга таълим олиш учун келаётган хитойликлар сони ҳам тобора кўпаймоқда.

Хитойлик санъаткорлар Самарқандда ўтказиб келинаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида мунтазам равишда иштирок этаётгани ва совринли ўринларни қўлга киритгани ҳам муттасил тараққий этаётган ўзаро маданий алоқаларимизга ёрқин мисол бўла олади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шу йил апрель ойида давлат ташрифи билан Хитойда бўлди. Ўзаро муносабатларимиз тарихида муҳим воқеа бўлган ушбу ташриф асносида икки давлат раҳбарлари Хитой – Ўзбекистон ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, шунингдек, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммоларни муҳокама қилдилар. Ташриф якунлари бўйича имзоланган ҳужжатларни амалга оширишда изчил давом этмоқда ва яқин истиқболда турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликнинг янги, амалий натижаларига гувоҳ бўлишимизга ишонаман.

– Ўзбекистоннинг жаҳонда, шу жумладан, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги ташаббуслари ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик...

– Ўзбекистон Марказий Осиёдаги етакчи давлатлардан бири бўлиб, минтақада хавфсизлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Тошкент шаҳрида жойлашгани ҳамда Ўзбекистон раҳбариятининг қўллаб-қувватлаши ва ёрдами билан муваффақиятли ва самарали фаолият кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистоннинг ШҲТ ривожига қўшаётган бу муҳим ҳиссаси ташкилотга аъзо барча давлатлар томонидан эътироф этилган. 2010 йили Ўзбекистоннинг ШҲТга раислиги доирасида Тошкентда ушбу нуфузли халқаро ташкилот саммити юксак даражада ташкил этилди. Ўзбекистон раислиги даврида Тошкентда ШҲТ ва БМТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди. Бундан ташқари, пойтахтингизда Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси ва бошқа муҳим тадбирлар муваффақиятли ўтказилди.

2010 йилнинг июнь ойида Қирғизистон жанубида рўй берган тартибсизликлар пайтида юзлаб жабрланганлар Ўзбекистондан паноҳ топди. Президент Ислом Каримовнинг узоқни кўзлаган ва ягона тўғри қарори туфайли тартибсизликлар ёйилиб кетишининг ва бутун минтақа тинчлигига таҳдид солган хавфнинг олди олинди.

Ўзбекистон Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тикланишида амалий ёрдам кўрсатмоқда. Ўзбекистонлик темирйўлчилар томонидан Ҳайратон – Мозори Шариф темирйўли барпо этилди ва фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлашга доимо алоҳида эътибор қаратиб келмоқда ва кўплаб конструктив таклифларни илгари сурмоқда. Жаҳондаги ва минтақадаги вазият мураккаб ва тез ўзгариб турган бугунги кунда Ўзбекистон ўз барқарорлигини янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий тараққиётни таъминлаш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Бу эса минтақа хавфсизлиги ва умумий юксалишга эришишга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилаётганини таъкидлашни истардим. Хитой Ўзбекистоннинг миллий ва минтақавий хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлаш борасидаги бундай саъй-ҳаракатларини юксак қадрлайди ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Шуни қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон нафақат ўз барқарорлигини таъминлашга қодир, балки минтақада, бутун жаҳонда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

– Элчи жаноблари, мамлакатимизда амалга оширилаётган модернизациялаш ва янгиланиш жараёнлари хусусидаги фикрингиз?

– Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги маърузасида Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини баён қилди. Мазкур дастурий ҳужжатда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизими, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича муҳим ғоя ва ташаббуслар илгари сурилган, галдаги вазифалар аниқ белгилаб берилган. Бу вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши халқ манфаатларига, ижтимоий барқарорлик янада мустаҳкамланиши ва иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ривожланишига хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Ўзбекистон халқи давлат мустақиллигининг 20 йиллигини кенг нишонлашга катта тайёргарлик кўрмоқда. Бу қутлуғ сана буюк байрам, айни пайтда Ватанингиз тараққиёти йўлидаги муҳим давр сифатида ҳам қадрлидир.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини ушбу қутлуғ байрам билан самимий муборакбод этаман. Ўзбекистон халқига бахт ва фаровонлик тилайман!

Олим ТЎРАҚУЛОВ
суҳбатлашди

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

(Давоми. Боши ўтган сонда)

ПАЙШАНБА, 4

Ўзбекистон
05.55 Кўрсатувлар дастури.
06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.00 «Иқлим».
07.05 «Олам ва одам» дастури: «Замин ғаройиботлари».
07.20 «Кўнгил қўшиқ истайди».
7.25 «Сўнгги қиролича». Т/с.
8.00 «Ахборот».
08.35 ТВ - анонс.
8.40 - 9.15 «Маънавият» дастури.
«Болалар сайёраси»:
09.15 «Икки дўст». М/с.
9.25 Миллий сериал: «Имон». 4-қисм.
10.10 «ТВ - шифокор».
10.15 «Муҳаббат таоми». Т/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «Шаҳар четидаги шифохона». Т/с.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Кўнгил қўшиқ истайди».
12.55 «Ифтихор».
13.00 «Ахборот» /инглиз/.
13.10 «Хаёт қўшиғи». Т/с.
«Болалар сайёраси»:
13.45 «Қирол шер». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ - анонс.
14.20 «Тараққиёт ва фаровонлик сари».
14.40 «Келажак овози» билимдонлари».
15.00 «Иқлим».
15.05 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. «Тангейзер». 2-қисм.
16.05 «Тезкор хабарлар».
16.15 ТВ - анонс.
16.20 «Маҳалла».
16.40 «Ўзбекистон табиати».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ - анонс.
17.15 «Бир жиноят изидан».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.55 «Иқлим».
18.00 «Кўнгил қўшиқ истайди».
18.05 «Сўнгги қиролича». Т/с.
18.40 «Сизнинг адвокатингиз».
18.45 «Кун мавзуси».
18.55 «Минг бир ривоят».
19.00 «Рамазон туҳфаси».
19.20 ТВ - анонс.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 ТВ - анонс.
20.10 «Олтин мерос».
20.20 «Ҳаёт қўшиғи». Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ - анонс.
21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан. «Биз киммиз?»
22.05 «Муҳаббат таоми». Т/с.
22.50 «Иқлим».
22.55 «Шаҳар четидаги шифохона». Т/с.
23.45 - 23.55 «Очун».
23.55 Кўрсатувлар дастури.
00.00 «Келажак овози»билимдонлари».
00.20 ТВ - анонс.
00.25 «Кун мавзуси».
00.35 «Иқлим».
00.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Забт этилмаган чўққилар».
00.55 «Кўнгил қўшиқ истайди».
1.00 «Ахборот» /рус/.
01.30 ТВ - анонс.
1.35 - 2.35 «Маънавият» дастури.
02.35 «Иқлим».
02.40 «Ассалом, Ўзбекистон!»
03.30 «Минг бир ривоят».
03.35 «Рамазон туҳфаси».
03.55 ТВ - анонс.
4.00 «Ахборот».
04.30 ТВ - анонс.
4.35 Миллий сериал: «Имон». 4-қисм.
05.20 «Иқлим».
05.25 «Ўзбекистон табиати».
05.45 - 05.55 «Очун».

Ёшлар
06.00 Дастурнинг очилиши.
06.10 «Афсона ва ҳақиқат».
07.00 «Ижод мактаби».
07.40 «Ёшлик наволари».
08.00 Миллий сериал: «Орзулар фасли».
08.40 «Мультипанорама».
08.50 «Сирли ўрмонча».
09.20 «Инсон психологияси».
09.50 «UzEX».
10.00 «Давр».
10.10 «Чемпион».
10.30 «Осиё». Т/с.
11.20 «Камолот-инфо».
11.40 «Ёшлик наволари».
12.00 «Қиролича». Т/с.
12.50 «Истиқлол солномаси».
13.00 «Давр».
13.10 «Мультипанорама».
13.30 «Болаларга жониворлар ҳақида».
14.00 «Самовий ишқ». Т/с.
14.40 «Биз киммиз?»
15.00 «Доктор Куинн». Т/с.
15.50 «UzEX».
16.00 «Давр».
16.10 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади».
16.50 «Афсона ва ҳақиқат».
17.35 «Тақдир қиссалари». Т/с.
18.20 «Самарқанд юлдузи».
18.30 «Автопатруль».
18.50 «UzEX».
19.00 «Давр».
19.30 «Осиё». Т/с.
20.20 «Ёшлик наволари».
20.50 «Айланай».
21.10 «Қиролича». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 «Доктор Куинн». Т/с.
23.30 «Дераза».
00.00 «Юрт тинчлиги».
00.10 «Ёшлик наволари».
00.30 «Ош бўлсин!»
01.00 «Тақдир қиссалари». Т/с.
01.50 «Нафосат олами».
02.00 «Давр».
02.30 Миллий кино: «Мафтунингман».
03.50 «Унутилмас оҳанглар».
04.20 Ҳинд киноси: «Садоқат» (1-қисм)
05.50-06.00 «Олтин тупроқ».

Тошкент
06.00 Кўрсатувлар тартиби.
06.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллигига. «Истиқлол ғунчалари».
06.20 «Анонс».
06.25 «Бизнес- пойтахт».
06.30 Миллий сериал: «Қайтар дунё». 29-қисм.
06.55 «Анонс».
07.00 «Пойтахт».
07.25 «Анонс».
07.30 «Салом, Тошкент!»
08.30 Тошкент тароналари.
08.45 «Ёз ифори». Т/с. 58-қисм.
09.10 «Интервью».
09.20 «Интеллектуал аукцион».
09.30 «Пойтахт».
09.40 Миллий сериал: «Қайтар дунё». 30-қисм. /Якунловчи/.
10.05 «Биз киммиз?»
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.40 «Дочь Махараджи». Т/с. 2-қисм.
11.05 «Мулоҳаза учун мавзу».
11.30 «Хаёт фалсафаси».
11.45 «Олтин маъбуда». Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55 «Анонс».
15.00 «Пойтахт».
15.15 «Анонс».
15.20 «Ёз ифори». Т/с. 59-қисм.
15.45 Мультсериал: «Шарки ва Жорж». 34-қисм.
16.05 «Репортаж».
16.15 «Бизнинг футбол».
16.30 Тошкент тароналари.
16.45 «Нима учун?»
17.25 «Пойтахт йўлларида».
17.40 «Ибрат».
18.00 «Пойтахт».
18.25 «Анонс».
18.30 2011 йил-Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили: «Ислоҳот одимлари».
18.45 «Интеллектуал аукцион».
18.55 «Анонс».
19.00 Миллий сериал: «Жийда гули». 1-қисм. /Премьера/.
19.30 Тошкент тароналари.
19.45 «Телекурьер-маркет».
19.55 «Бизнес- пойтахт».
20.00 «Пойтахт».
20.25 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллигига. «Буюк келажак сари».
21.05 Тошкент тароналари.
21.20 «Телекурьер-маркет».
21.30 «Пойтахт». /рус/.
21.50 «Анонс».
21.55 «Интервью».
22.05 «Кино SMS со звёздами».
22.10 «Жених на прокат». Х/ф. /Премьера/.
23.25 «Открытая дверь».
23.55 «Бизнес-пойтахт».
00.00 Кўрсатувлар тартиби.
00.05 «Звездные войны. Новая надежда». Х/ф.
02.10 «Анонс».
02.15 «Уйларим».
02.20 «Қушлар ҳақида ҳақиқат». Х/ф. 2-қисм.
03.10 «Тошкент оқшомлари».
03.40 «Анонс».
03.45 «Олтин маъбуда». Б/ф.
05.00-06.00 «Салом, Тошкент!»

Спорт
06.00 «Хайрли тонг!»
06.05 Анонс.
06.10 «Саломат бўлинг!»
06.30 «Иқтидор». Интеллектуал ўйин.
07.00 АНОНС.
07.05 «Жаҳон спорти юлдузлари – Зико».
07.25 Болалар майдончаси:
Тонгги гимнастика.
«Спортландия».
Мультфильм.
07.55 АНОНС.
08.00 ХАБАРЛАР.
08.20 «Саломат бўлинг!»
08.40 Футбол. Ўзбекистон кубоги. «Нефтчи» – «Пахтакор».
10.20 АНОНС.
10.25 Автоспорт. Жаҳон чемпионати.
11.15 АНОНС.
11.20 Футбол. Ёшлар ўртасида Жаҳон чемпионати.
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.05 Болалар майдончаси:
«Спортландия».
Мультфильм.
13.30 АНОНС.
13.35 «Саньат ва спорт».
13.55 Кураш. Ўзбекистон чемпионати.
14.55 АНОНС.
15.00 Теннис. ATP/WTA турнири.
16.10 АНОНС.
16.15 Футбол. Ёшлар ўртасида Жаҳон чемпионати.
17.55 АНОНС.
18.00 Болалар майдончаси:
«Спортландия».
Мультфильм.
18.25 АНОНС.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 Саломатлик хазинаси.
18.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига: «Шижоат».
19.20 «Миллионлар ўйини».
19.35 ПрофРИНГ.
20.25 АНОНС.
20.30 ХАБАРЛАР.
20.50 Саломатлик хазинаси.
20.55 Футбол, Европа лигаси. «Актобе» - «Алания». Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.
22.55 АНОНС.
23.00 Футбол. Ёшлар ўртасида Жаҳон чемпионати. Танаффусда жума дастури анонси.
00.55 АНОНС.
01.00 ХАБАРЛАР.
01.20 Футбол. Ёшлар ўртасида Жаҳон чемпионати.
03.00 Теннис. ATP/WTA турнири.
04.10 - 05.50 Футбол. Осиё чемпионлари лигаси. «Ал Вахда» – «Бунёдкор».

ntt
03:00 Мумтоз наволар
03:30 «Зиё» студияси намойиш этади
04:00 «Дийдор ширин» маданий кўрсатуви
05:00 «Отангга қўл кўтардингми» б/ф
06:30 «Форум вақти»
06:45 Ёшлар студияси: «Келажак билан юзма-юз» информацион блок
06:55 «Оналик бахти» кўрсатуви
07:00 «Янги авлод» информацион блок
07:15 Мультфильм
07:30 «Ҳудуд» ахборот-таҳлилий дастури
07:50 «Бизнес-репорт» иқтисодий-таҳлилий дастур
08:00 «Тош ойна»
08:30 «Хориж хабарлари» информацион блок
08:35 НТТда мусиқа
09:00 «Ҳудудий хабарлар» информацион блок
09:05 «Муҳаббат изтироблари» т/с (37-қисм)
09:45 «Бизнес-промо»
10:00 «Пойтахт хабарлари» информацион блок
10:05 «Дийдор ширин» дам олиш кўрсатуви
11:00 «Хориж хабарлари» информацион блок
11:05 «Ҳаёт қадри» т/с (68-қисм)
11:45 НТТда мусиқа
11:55 «Оналик бахти» кўрсатуви
12:00 «Ҳудудий хабарлар» информацион блок
12:05 «Иблис девори» б/ф
14:00 «25-кадр» кинокўрсатув
14:30 «Парламент: 5 дақиқа»
14:35 «Ҳудудий хабарлар» информацион блок
14:40 «Форум вақти»
15:00 «Ҳудуд» ахборот-таҳлилий дастури
15:20 «Хориж хабарлари» информацион блок
15:25 «НТТ спорт» информацион блок
15:30 НТТда мусиқа
15:45 «Форум вақти»
16:00 «Пойтахт хабарлари» информацион блок
16:05 «Муҳаббат симфонияси» т/с (199-қисм)
16:45 «Бизнес-промо»
17:00 «Хазина» телешоувикторинаси
18:00 «Ҳудудий хабарлар» информацион блок
18:05 «Карина-Карина» т/с (141-қисм)
18:30 «Болалар ҳудуди» информацион блок
18:45 Ёшлар студияси: «Келажак билан юзма-юз» информацион блок
19:00 «Бизнес-промо»
19:15 НТТда мусиқа
19:30 «Зиё» студияси намойиш этади
19:45 «Муҳаббат симфонияси» т/с (200-қисм)
20:25 «Оналик бахти» кўрсатуви
20:30 «Ҳудуд» ахборот-таҳлилий дастури
20:50 «Бизнес-репорт» иқтисодий-таҳлилий дастур
21:00 «Taxi.uz»
21:30 «Долзарб мавзу» кўрсатуви
21:50 «Муҳаббат изтироблари» т/с (38-қисм)
22:20 НТТда мусиқа
22:30 «Сирли йўлбарс ва хилватда қолган аждарҳо» б/ф премьера
00:45 НТТда мусиқа
01:00 Тунги кинозал: «Қайнота» б/ф (Ҳиндистон)

Первый канал
04.00, 08.05 Телеканал «Доброе утро»
08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости
08.30 Контрольная закупка
09.00 «Жить здорово!»
10.00 Федеральный судья
11.20 Модный приговор
12.20 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.25 Понять. Простить
14.30, 03.15 «Хочу знать»
15.00 Сериал «Обручальное кольцо»
15.55 «ЖКХ»
17.00 Вечерние новости
17.15 Сериал «След»
17.50 «Давай поженимся!»
18.55 «Пусть говорят»
20.00 «Время»
20.30 Сериал «Последняя встреча»
21.25 «Человек и закон»
22.25 Сериал «Побег»
23.25 Худ. фильм «Ушедшие»
01.35, 02.05 Худ. фильм «Комедия о Лисистрате»

Россия
04:00 «Утро России».
08:05 «С новым домом!». Ток-шоу.
09:00 «О самом главном». Ток-шоу.
10:00 Вести.
10:30 Местное время. Вести-Москва.
10:50 «Кулагин и партнеры».
12:00 Анна Ковальчук в детективном телесериале «Тайны следствия».
13:00 Вести.
13:30 Местное время. Вести-Москва.
13:50 Вести. Дежурная часть.
14:05 «Ефросинья. Продолжение». Телесериал.
15:00 Вести.
15:30 Местное время. Вести-Москва.
15:50 «Все к лучшему». Телесериал.
16:55 «Институт благородных девиц». Телесериал.
17:55 «Прямой эфир».
19:00 Вести.
19:30 Местное время. Вести.
19:50 «Спокойной ночи, малыши!».
20:00 Русская серия. Премьера. Мария Порошина, Вячеслав Разбегаев и Владимир Епифанцев в телесериале «По горячим следам».
21:50 Анна Ковальчук в детективном телесериале «Тайны следствия».
22:50 «Вести+».
23:10 «Красота по-советски. Судьба манекенщицы».
00:00 «Профилактика».
01:15 Ночной сеанс. Олег Табаков, Марина Неелова, Людмила Гурченко, Лев Дуров, Михаил Козаков, Александр Абдулов и Лия Ахеджакова в фильме «Красавец-мужчина». 1978г. 2-я серия.
02:25 Вадим Яковлев, Борис Щербаков, Светлана Крючкова, Николай Федорцев, Юрий Дуванов и Александр Вдовин в телефильме «Долгие версты войны». 1975г. 2-я серия.

НТВ
04:00 Информационный канал «Сегодня утром».
06:30 «Кремлевские дети». «Дети Фрунзе. Зарезанные надежды».
07:30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
08:00 Сегодня.
08:20 «В зоне особого риска».
08:55 «До суда».
10:00 Суд присяжных.
11:00 Сегодня.
11:30 Детективный сериал «Супруги».
13:30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
14:00 Сегодня.
14:30 Сериал «Возвращение Мухтара».
16:30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
17:00 Сегодня.
17:30 Премьера. Остросюжетный сериал «Беглец».
19:30 Детективный сериал «Глухарь. Продолжение».
21:15 Сегодня.
21:35 Премьера. Остросюжетный сериал «Дело Крапивиных».
22:35 «Советские биографии. Владимир Ленин».
23:35 Дачный ответ.
00:35 «Один день. Новая версия».
01:05 Сериал «Проклятый рай».
02:05 Остросюжетный сериал «Хозяйка тайги».

ЖУМА, 5

Ўзбекистон
05.55 Кўрсатувлар дастури.
06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.00 «Иқлим».
07.05 «Олам ва одам» дастури: «Замин ғаройиботлари».
07.20 «Кўнгил қўшиқ истайди».
7.25 «Сўнгги қиролича». Т/с.
8.00 «Ахборот».
08.35 ТВ - анонс.
«Болалар сайёраси»:
08.40 «Икки дўст». М/с.
08.50 «Табассум».
9.20 Миллий сериал: «Имон». 5-қисм.
10.05 «Иқлим».
10.10 «Муҳаббат таоми». Т/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 «Шаҳар четидаги шифохона». Т/с.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Кўнгил қўшиқ истайди».
12.55 ТВ - анонс.
13.00 «Кун мавзуси».
13.10 «Хаёт қўшиғи». Т/с.
«Болалар сайёраси»:
13.45 «Қирол шер». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ - анонс.
14.20 «Дунё манзаралари».
14.40 «Эркин иқтисодиёт».
15.00 «Иқлим».
15.05 «Олам ва одам» дастури: «Вақт машинаси».
15.55 «Назм ва наво».
16.25 «Шукрона».
16.40 «Ўзбекистон табиати».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ - анонс.
17.15 «Саломатлик дастури».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.55 «Бахшиёна».
18.00 «Кўнгил қўшиқ истайди».
18.05 «Сўнгги қиролича». Т/с.
18.40 ТВ - анонс.
18.45 «Мусиқий альбом».
18.50 «Ифтихор».
18.55 «Минг бир ривоят».
19.00 «Рамазон туҳфаси».
19.20 ТВ - анонс.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 ТВ - анонс.
20.10 «Олтин мерос».
20.20 «Ҳаёт қўшиғи». Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ - анонс.
21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан. «Биз киммиз?»
22.05 «Муҳаббат таоми». Т/с.
22.50 «Иқлим».
